



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 17-avgust • Seshanba • 95 (31.215) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## Меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ифодаси

**Мамлакатимизда 14-15 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 16 миллион нафардан зиёд ҳамюртимиз иштирок этди**

■ Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида урф-одатларимиз ҳам янги маъно-мазмун билан бойиб бормоқда.

Меҳр-оқибат, хайр-саховат ва ободлик ифодаси бўлган қадриятларимиздан бири ҳашардир. Юртимизда ҳар йили миллий байрамларимиз олдида барчани ҳашарга чорлаб, теварак-атрофни ободонлаштириш яхши анъанасига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 июлдаги фармойишига кўра, август ойи ободонлаштириш ва тазалик ойлиги деб эълон қилинди. Мазкур ойлик доирасида 14-15 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад — халқимизга хос ижтимоий ҳамкорлик, бегараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, маҳаллалар ҳудуди ва аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш, юртимизда санитария-эпидемиология муҳитини барқарор сақлаш, Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўришдан иборат.

Республика «Маҳалла» жамғармасидан олинган маълумотларга кўра, бу галги ҳашарда 16 миллион нафардан зиёд киши иштирок этди, уларнинг ярмидан кўпи ёшлардир.

Ҳашарчиларнинг сай-ҳаракати билан 30 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди, 22 минг километр узунликдаги сув йўллари тозаланди, 14 миллиондан кўпроқ дарахтга шакл берилди ва оқланди.

Ҳашар мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари, маҳаллаларда ушқоқлик билан ташкил этилди.

Шу кунларда юртимизнинг турли вилоятларида кўплаб ижтимоий-

маданий объектлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида ёпик сув ҳавзаси фарзандларимизга тухфа этилди. Замонавий андозалар асосида барпо этилган бу иншоотда ёшларимиз ўз маҳоратини ошириши ва жисмоний чиниқиши учун барча имкониятлар яратилган.

Наманган вилоятининг Поп туманидаги «Дўстлик» маҳалласида ун-та маънавий хизмат кўрсатиш маълумоти, «Муқимий» маҳалласида 20 ёш оилага мўлжалланган уй фойдаланишга топширилди.

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида мусика мактаби қурилиши-ни тугаллаш ва атрофини ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Ҳашар кунлари халқимизга хос хайр-саховат, меҳр-оқибат сингари фазилатлар яна бир қарра намойи бўлди. Жойларда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» ғоясини ўзида мужассам этган кўлаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ўзгалар кўмаги ва эътиборига муҳтож инсонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган юзлаб оиланинг уй-жойини таъмирлашда амалий кўмак берилди.

Ҳашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» жамғармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари ҳисобсиз рағбатга ўтказилди. Бу маблағ «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз кексалар ҳамда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашдек эзгу ишларга сарфланган.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
ЎЗА мухбири.



Экспертиза НОРМУРДОВ олган суратлар.

## Таклифлар қўмига топширилди

**ЎзХДП фракцияси фаолиятдан**

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Бу қонуннинг мақсади — риэлторлик фаолиятини тартибга солиш, кўчмас мулк бозорини замонавий андозаларга мос равишда босқичма-босқич ривожлантириш ҳамда давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи тизимни яратишдан иборатдир. Айни пайтда мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокамага киритишга тайёрланмоқда.

Риэлторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш заруратини ҳисобга олиб, мазкур қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқуллаб овоз берган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент куйи палатасидаги фракцияси мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан таклифларини ишлаб чиқди.

— Ишчи гуруҳи тайёрлаган таклифлар фракция мажлисида батафсил муҳокама этилди, — дейди фракция

аъзоси Фахриддин Ражабов. — Жамиятда ҳар бир фуқаро кўчмас мулк билан боғлиқ муносабатларнинг иш-тироқисини бўлиши мумкин. Маълумотларга кўра, бугун мамлакатимизда 2516 та кўчмас мулк бозорига воситачилик хизматларини кўрсатувчи ташкилот рўйхатга олинган. Расмий рўйхатдан ўтмасдан бундай фаолият билан шуғулланувчилар сонини бундан ҳам кўпчилиги таъкидланмоқда. Демак, соҳанинг ҳуқуқий

асосларини такомиллаштиришга эҳтиёж кундан-кун ортиб бормоқда. Биз эса бу жараёнда риэлторлик фаолиятини лицензиялаш, назорат қилиш каби давлат томонидан тартибга солиш шакллари белгилаш, риэлторлик хизматлари турларини аниқлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш механизмлари ва уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий меъёрларини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳанинг деярли ҳар бир моддаси буйича аниқ таклифларимизни тайёрладик.

Фракция мажлисида ишчи гуруҳи фаолиятининг яқунлари муҳокама этилди, ишлаб чиқилган таклифлар мазкур қонун лойиҳасига маъсۇл бўлган Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасига таъсия этилди. Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилаётганда бу таклифларни яқдиллик билан ҳимоя қилишга келишиб олинди.

**Баҳор ШУКУРОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

ЎзХДП депутатлари фаолиятдан Ваколатдан самарали фойдаланиб... → 2

Пенсия олувчилар олдидаги бурч → 3

«Навқирон Ўзбекистон» фестивали бошланди → 4

Ўзбекистонни, унинг қадимий шаҳарларини илк бор кўриб турибман. Мустақиллигининг 19 йиллигини нишонлаш арафасида турган мамлакат нисбатан қисқа муддатда ғоят катта ютуқларга эришибди. Ўз меҳнати натижасида тараққиёт йўлида илғор марраларни қозонаётган халқ бой маданий мероси билан ҳам ҳар қанча фахрланса арзийди. Ота-болалари қолдирган меросни асраган халқ — маънавияти юксак халқдир. Ўзбекистонга, жумладан, ўзига хос обидаларга бой Бухорога сафарим давомида шу ҳақиқатни яна бир бор ҳаёلدан ўтказдим.  
**Ли Хён У,**  
Ўқитувчи  
(Жанубий Корея)

## ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ МАМЛАКАТИГА АЙЛанади

Президентимизнинг «Андижон шаҳрида футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида»ги Қароридан сўнгги йўлар



**19 МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!**  
**Муносабат**  
■ 2009 йил 19 декабрь. Тошкентнинг «Жар» стадиони. Юртимизга таширф буюрган 2008 йилда жаҳон ва Европанинг энг яхши футболчиси Криштиану Роналду билан бўлган учрашувнинг ҳаяжонли лаҳзалари. Томошабинлар олдига Роналду билан бир пайтда 12 ёшли андижонлик Шоҳжаҳон Ҳасанов ҳам чиқиб келди. Ёш футболчининг тўп тепиш санъати-га ўшанда Криштиану лол қолганди. Тан берган эди. → 4



## ЭЗГУЛИК МЕВАСИ ТОТЛИ БЎЛАДИ

Соғлом турмуш тарзи камолотга йўл очади

2-бетда ўқинг.

■ Сингапурда олимпиада тарихида янги даврни бошлаб берган ўсмирлар ўртасидаги I ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бош майдонга 201 қатнашчи мамлакат спортчилари сардорлари қаторида Ўзбекистонимиз давлат байроғини ўсмирлар ўртасида бокс бўйича жаҳон чемпиони Сардор Бегалиев олиб кирди.

## Ғалаба билан қайтамиз

Нурбекнинг қумуш, Нилуфар ва Русланнинг бронза медаллари юртимиз спортчиларининг Сингапур олимпиадасидаги зафарли одимини бошлаб берди

Мусобақанинг дастлабки кунларида, иккитдорли спортчиларимиз Сингапур олимпиадасининг дастлабки медалларини кўлга киритишди. Юнон-рум курашининг 57 кг вазн тоифасида гиламга чиққан Нурбек Ҳаққулов гуруҳ беллашувларида барча рақибларни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди ва Сингапур

олимпиадасининг қумуш медали билан тақдирланди. Шу кураш турининг 85 кг вазн тоифасида қатнашган Руслан Комилов эса гуруҳ баҳсларида иккинчи ўринни эгаллади. У олимпиада бронза медали учун кенган беллашувда АКШ спортчиси Лукас Шридандан устун келди. Руслан юртимиз медаллар жам-

гармасини бронза медали билан бойитди. Юз метрга чалқанча усулда сузиш баҳсларида қатнашган Юлдуз Кўчирова эса саралаш ва ярим финал мусобақасидан муваффақиятли ўтиб, финалга йўлланма олди. У кеча саккиз



нафар финалчи қаторида медал учун баҳсга киришди. Ўсмирлар ўртасидаги Олимпия ўйинларининг дастлабки кунда юртимиз ёш спортчиларининг қумуш ва бронза медаллари билан тақдирланиши мамлакатимиз терма жамоасининг ғайрат-шижоати баланглигидан далолат беради. Биз муросаси саралаш мусобақаларида олимпиада йўлланмасини кўлга киритган спортчиларимиздан янги ғалабалар кўтиб қоламиз.  
**Асрор МҮМИН**

Кеча аёллар курашининг 52 кг вазн тоифасида Нилуфар Гадоева ҳам бронза медалига сазовор бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 17 АВГУСТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1435,02	1 Миср фунти	282,78	1 СДР	2436,38	10 Жанубий Корея воени	13,53
1 Англия фунт стерлинги	2511,21	1 Канада доллари	1547,84	1 Туркия лираси	1062,16	10 Япония иенаси	187,75
1 БАА дирҳами	435,33	1 Хитой юани	236,84	1 Швейцария франки	1533,99	1 Россия рубли	52,97
1 АКШ доллари	1611,30	1 Малайзия рингити	506,54	1 Евро	2102,45	1 Украина гривнаси	204,22

ОБ-ХАВО 17-18.08. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 39°	☀ 41°
Самарқанд	☀ 40°	☀ 40°
Нукус	☀ 38°	☀ 39°
Қарши	☀ 42°	☀ 43°
Урганч	☀ 38°	☀ 39°
Навоий	☀ 39°	☀ 40°
Фарғона	☀ 38°	☀ 39°
Бухоро	☀ 39°	☀ 40°
Андижон	☀ 38°	☀ 39°
Наманган	☀ 38°	☀ 39°
Термиз	☀ 42°	☀ 43°
Жиззах	☀ 38°	☀ 39°
Гулистон	☀ 38°	☀ 39°
Тошкент вил.	☀ 38°	☀ 39°
Лондон	☁ 32°	☁ 31°
Париж	☁ 33°	☁ 32°
Москва	☁ 36°	☁ 35°
Мадрид	☁ 37°	☁ 36°
Пекин	☁ 35°	☁ 34°
Гонгконг	☁ 38°	☁ 37°
Рим	☁ 33°	☁ 32°
Анкара	☁ 31°	☁ 29°
Токио	☁ 32°	☁ 31°
Стокгольм	☁ 31°	☁ 32°
Кейптаун	☁ 16°	☁ 15°
Кохира	☁ 28°	☁ 26°
Гавана	☁ 39°	☁ 36°
Вашингтон	☁ 33°	☁ 31°

O'zbekiston havo yo'li  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI





